

35 Ягона Ватан,
ягона халқ, бўлиб,
янги ҳаёт ва
келажак яратамиз!

Inson manfaatlari – oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA № 28 (1596) 2026-YIL 17-IYUL, JUMA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat



Давра суҳбати



ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ЙЎЛИДАГИ


ҳамкорлигининг
янги босқичи

Давлат мустақиллигининг қутлуғ 35 йиллик байрами арафасида мамлакатимизда демократик янгиланишлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ислохотлар янги суръат касб этмоқда.

Шу муносабат билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг

тасидаги “Адолат” СДП фракцияси, парламент қўйи палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамкорлигида давра суҳбати ташкил этилди.

АНДИЖОН:
ВАЪДАДАН
АМАЛГА,
РЕЖАДАН
НАТИЖАГА



ҚОНУННИНГ
ҚАДРИ
ТУШМАСИН

...янги қонунлар қабул қилишдан кўра, мавжуд қонунларнинг самарали ишлаши ва жамиятда қонунга итоаткорлик маданиятини мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Чунки тараққиётнинг ҳақиқий мезони қонунларнинг сони эмас, балки уларнинг ҳаётдаги амалий таъсири ва устуворлигидир.



ИНСОН ВА ОЛАМ
ЭВРИЛИШЛАРИ



БУГУН БИЗ БОШҚАЧА МАНЗАРАГА ГУВОҲ БЎЛМОҚДАМИЗ. ҲАШАМАТ АСТА-СЕКИН ҲАЁТ МЕЗОНИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. КИМНИНГ УЙИ КАТТАРОҚ, КИМНИНГ АВТОМОБИЛИ ҚИММАТРОҚ, КИМНИНГ ТҶИИ СЕРҲАШАМРОҚ БЎЛСА, ГҲЁ УНИНГ ҚАДРИ ШУ БИЛАН ЎЛЧАНАДИГАНДАЙ.

Аслида ҳашамаат инсонни бахтли қилолмайди. У фақат кўзни қамаштиради.

“ЛУТФ АЙЛА
ҚАРИЛАРҒА...”



Эгаллаган мансабидан, бойлигидан қатъи назар, ёшларнинг улуғлар олдида ўзини камтарин тутиши, тўй-маъракаю издиҳомларда уларни тўрга ўтқазиши – миллий ўдум, гўзал одоб нишонаси.

“Фавойид ул-кибар” девонида “Қарилг истар эсанг, қариларни ҳурмат тут”, – деб ёзар экан, ҳазрат Алишер Навоий халқимиз тийнатидаги ана шу фазилатни улуғлайди.



Бекободда
янгиланиш ва
тараққиёт
шамоли
эсмоқда

Ўзбек металлургиясининг таянч маркази ҳисобланган Бекобод нафақат пойтахт мақомидаги вилоят, балки республикаимиз иқтисодий қудрати ва саноат салоҳиятининг стратегик устунларидан бири саналади. Халқимизда “Бекобод шамоли” деган ўзига хос ибора бор. Бугун эса ушбу кўҳна ва навқирон саноат шаҳрида том маънодаги иқтисодий юксалиш, технологик модернизация ва ижтимоий янгиланишлар шамоли эсмоқда.

Бекободда янги ланиш ва тараққиёт шамол эсмоқда

**Гулзира ШАРИПОВА,
“Адолат” СДП Бекобод шаҳар кенгаши раиси,
халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати**



1 Шаҳарнинг саноат драй-верлари ҳам, маҳаллаларнинг ижтимоий-инфраструктураларининг қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, Янги Ўзбекистон ислохотларининг амалий ифодасини ўзида яққол акс эттиряпти. Давлат раҳбарининг жорий йил 13 июль кунини Бекобод шаҳрига ташриф буюриб, йирик инвестициявий лойиҳаларга старт бергани ҳамда худуд истиқболлига қаратилган муҳим вазибаларни белгилаб бергани бекободликлар ҳаётига янги суръат ва янада юксак марраларни олиб кирди.

Ташриф доирасида “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖда барпо этилган ва мамлакатимиз саноати тарихида янги даврни бошлаб берувчи Қуюв-прокатлаш мажмуаси тантанали равишда ишга туширилди. Давлатимиз раҳбари раъсий тугмани босиб, ушбу йирик инновацион объект фаолиятига старт берди ва соҳа ривожига ҳисса қўшган фидойи металлургиялар ва хорижий ҳамкорларни табриқлади. Умумий қиймати 839 миллион долларни ташкил этувчи ва 18 гектар майдонни эгаллаган ушбу стратегик лойиҳа республикада илк бор иссиқ прокатланган пўлат листлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди. Мажмуа тўлиқ қувват билан ишлаши натижасида йилга 8 триллион сўмлик 1 миллион тонна иссиқ прокатланган пўлат лист

ишлаб чиқарилади ва Тошкент ҳамда Самарқанд металлургия заводларининг хомашёга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланади. Келажақда ишлаб чиқариш ҳажмини 2 миллион тоннага етказиш кўзда тутилган.

Лойиҳа доирасида 1 200 та янги юқори малакали иш ўрни яратилди. Корхонадаги жами иш ўринлари сони эса 7 мингтага етади. Италиянинг етакчи “Danieli” компанияси технологиялари асосида узлуксиз пўлат қўйиш ускунаси ягона бошқарув пултига интеграция қилинди. Илгари 4-5 та пултида 9 нафар ходим бажарган вазибани эндиликда атиги 3 нафар мутахассис назорат қилмоқда. Жараёнга сунъий интеллект усулларининг жорий этилиши натижасида инсон омили иштирокисиз асосий валларни алмаштириш вақти 30-40 дақиқадан атиги 5-7 дақиқага туширилди.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 2030 йилга бориб 240 миллиард долларга етказиш ҳамда келгуси беш йилда инфраструктурага 180 миллиард доллар йўналтириш мақсадлари пўлат маҳсулотларига бўлган йиллик эҳтиёжни 1,5 баробарга ошириб, 8 миллион тоннадан оширишни талаб этади. Шу боис давлатимиз раҳбари раислигида ўтган йилгилида қуйдаги тизимли вазибалар белгилаб берилди. Республикадаги 1,5 миллиард тонналик темир рудаси захирасидан сама-

рали фойдаланиш мақсадида “Тебин-булоқ” қонини ишга тушириш (йилига 1 млн тонна пўлат) ва “Сурун-ота” қониндан йилга 650 минг тонна хомашё қазиб олиш бўйича Хитой компаниялари билан келишувлар фаоллаштирилди. Шундан сўнг, Президент шаҳардаги бунёдкорлик ишлари, жумладан, “Хос ёз” канали бўйи ва “Дўстлик” маҳалласида яратилган шароитлар билан бевосита танишди. Илгари қаровсиз бўлган “Хос ёз” комплекс мастер-режа асосида замонавий экологик маконга айлантирилди. Канал бўйида 3 километрлик пиедалар

Ҳа, саноат ва иқтисодиётда эришилаётган тарихий ютуқлар, маҳаллаларимиз ва кўчаларимиздаги тизимли янгиланишлар бекободликларнинг бунёдкорлик руҳини янада юксатирмоқда. Бугун шаҳар аҳли — тажрибали ва фидойи металлургиялар, бианимга чанқоқ ва шижоатли ёшлар, дуоғўй нурунийлар ягона мақсад йўлида бирашган. “Инсон қадр” тамойилини ҳаётимизнинг бош мезонига айлантирган ҳолда, Бекободни нафақат металлургия маркази, балки юксак маданият, замонавий инфраструктура ва фаровонлик шаҳрига айлантириш йўлида бор куч-гайратимизни сафарбар этамиз.

йўлаги қурилди, 27 та янги савдо ва хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилиб, 167 та доимий иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, 28 гектарлик замонавий “Дўстлик” маҳалласи худудида 33 та кўп қаватли уй, спорт ва болалар майдончалари, “Ватанпарвар боғи”, кутубхона ҳамда “Ташаббусли бюджет” маблаглари ҳисобидан Бекобод шаҳри музейи барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли ва фаоллар билан учрашувда ислохотларнинг бош мезонини қуйидагича ифодалади: *“Барча амалга ошираётган ишларимиз, барпо этилаётган объектларимиз ва лойиҳаларимиз, аввало, аҳолига хизмат қилиши, инсонлар ҳаётини яхшилаши керак. Одамлар ўз маҳалласида, шаҳрида кечаётган ўзгаришларни ҳис қилиши, уларнинг самарасини кундалик ҳаётида кўриши керак. Бекобод шаҳри ҳам ўзининг меҳнаткаш ва фидойи аҳолиси, иқтидорли ёшлари, ҳаёт тажрибасига эга нурунийлари билан янада обод ва тараққий этган масканга айланиши керак. Биз бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этамиз”*.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



1 Олий судда бўлиб ўтган мулоқот “Янги Ўзбекистон – инсонпарвар демократик давлат: инсоннинг олий қадриятлари, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончли таъминлаш масалалари суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асоси” мавзусига бағишланди.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида босиб ўтилган тарихий йўлни сарҳисоб қилиш, инсон, хусусан, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ютуқларни таҳлил этиш ҳамда бу борада парламент ва суд ҳокимияти ўртасидаги ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқишни мақсад қилган тадбирни Олий суд раиси Робохон Махмудова кириш сўзи билан очди.

Робохон Махмудова ўз маърузасида истиқлол юртимизда эркин ва адолатли ҳуқуқий давлат барпо этилишининг мустақам пойдевори бўлганини, бугунги кунда суд тизими мустақиллигини қучайтириш ва одил судлов сифатини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида эътироф этди.

Парламент вакиллари ҳам ушбу фикрларни давом эттириб, соҳадаги қонунчилик базасига тўхталдилар. Муҳокамалар жараёнида Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Зухриддин Мавлонов конституциявий ислохотларнинг аҳамияти, инсон қадрини улуғлашга қаратилган қонунчилик ташаббуслари ва бу жараёндаги парламент назорати атрафлича тўхталди.

Олий суд судьяси Умида Нишоновна эса аёллар ва болалар ҳуқуқларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш, мазкур йўналишдаги халқаро стандартларни миллий амалиётга татбиқ этиш ва ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилди.

Шунингдек, тадбирда қонунчиликни замон талаблари асосида такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ривожлантириш юзасидан зарур таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Шундан сўнг, меҳмонлар Олий суд тарихи ва фаолиятини акс эттирувчи музей фаолияти билан танишишди.

“Адолат” СДП матбуот хизмати

Фракция йиғилиши

ПРЕКУРСОРЛАРИНИНГ МУОМАЛАСИГА ОИД

ҚОИДАЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида прекурсорларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлик белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда гиёҳвандлик ва уюшган наркожиноятчиликка қарши курашиш билан боғлиқ фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш орқали аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг саломатлигини ҳамда миллат генофондининг самарали ҳимоя қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ғайриқонуний нарколабораторияларда прекурсорлардан фойдаланган ҳолда синтетик гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш ва тарқатишга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, прекурсорларнинг қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш мақсадида соҳада ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига қўшимчалар киритилмоқда.



Яъни, қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлиқни белгиловчи янги норма киритилмоқда. Шунингдек, мазкур ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такроран содир этилганда Жиноят кодексига жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилмоқда.

– Белгилаётган нормалар фракция аъзолари томонидан муҳокама қилинди, – дейди фракция аъзоси Зиёдбек Юнусов. – Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, албатта, прекурсорларнинг ноқонуний муомаласининг олдини олиш, синтетик гиёҳвандлик воситалари ишлаб чиқарилишга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг соғлигини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Савол-жавоб ва муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган барча масалалар кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан маъқулланди.

Тадбир

Давлат раъзлари – МИЛЛИЙ ҒУРУР ТИМСОЛИ

“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!” шиори остида ўтган маънавий-маърифий тадбир мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ 35 йиллигига ўзига хос туҳфа бўлди.

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши марказий аппарати ташаббуси ҳамда Судьялар ассоциацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Фахрийлар кенгаши аъзолари, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти вакиллари, судьялар, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда “Ёш адолатчилар” ҳаракати фаоллари қатнашдилар.

Тадбирда “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Рахмонов ҳамда Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси раиси Убайдулла Мингбоевлар сўзга чиқиб, давлат раъзларининг жамият ҳаёти ва давлатчилик тарихидаги юксак ўрни хусусида тўхталишди. Конституциявий-ҳуқуқий мақоми, уларнинг суверенитетимизни мустақамлашдаги ўрни ҳамда Янги Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, миллий ўзлиқни англаш жараёнларида ушбу тимсолларнинг тарбиявий аҳамияти юқори эканлигини алоҳида эътироф этдилар.



Шундан сўнг, иштирокчиларга мустақиллик йилларида эришилган тарихий ютуқлар ва мамлакатимизнинг бугунги шиддатли тараққиётини акс эттирувчи махсус видеоорлик намойиш этилди. Ташкил этилган интерактив викторинада давлат раъзлари, Бош қомусимиз ва Ватанимиз тарихига оид савол-жавобларда фаоллик кўрсатган билимдон ёшларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Анжуманда “Адолат” СДП фракцияси аъзолари Шухрат Якубов,

“Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси, Тошкент давлат иқтисодий университет доценти Маҳфузахон Юлдашева, Ички ишлар вазири акадemiaси профессори, полковник Шариф Қобилловларнинг давлат раъзларининг аҳамияти ва уларнинг ҳуқуқий-тарихий асосларига бағишланган маърузалари тингланди.

Шунингдек, тадбирда Янги Ўзбекистонда миллий қадриятларни тиклаш, ёшларда ғуқаролик масъулиятини юксалтириш ва муқаддас тимсоллари-

мизга нисбатан юксак ҳурмат маданиятини шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси экани таъкидланди.

Ҳақиқатан, давлат раъзлари – халқимиз бирлиги, миллий ғуруримиз ва порлоқ истиқболимиз қафолатидир. Уларни кўз қорачигидек асраш, улуғлаш ва Янги Ўзбекистон раънақи йўлида бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилиш ҳар бир ғуқаро учун энг шарафли бурчдир.

“Адолат” СДП матбуот хизмати



АНДИЖОН:

ВАЪДАДАН АМАЛГА,
РЕЖАДАН НАТИЖАГА

Ҳар доим ҳаракатдамиз!

Сиёсий партиялар фаолиятига баҳо берилганда айримлар “партиялар сайловлар вақтидагина ишлайди” дея фикр билдиради. Йўқ, сиёсий майдонда ўз ўрнини мустақамлашни истаган партия доим ҳаракатда бўлади. Шу маънода айтиш мумкинки, андижонлик “адолатчилар” Сайловолди дастуриимизда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, жамоатчилик орасига чуқур кириб бормоқда.

Бугун аъзоларимиз сони 90 минг нафарга етди. Рақамлар йилдан-йилга Андижонда “адолатчилар” сафи кенгайиб бораётганини кўрсатмоқда. 440 та БПТ – бизнинг асосий қанотимиз. Уларнинг фаолиятини ривожлантириш, жамоатчилик орасига янада кенгрок кириб боришга эришиш мақсадида ҳар ойнинг биринчи чоршанба куни туманларда амалий семинар ўтказилмоқда.

Жумладан, Жалақудуқ туманида ўтказилган ана шундай семинар БПТларда иш ҳужжатлари юритишга бағишланган бўлса, Асака туманидаги тадбир партия сафига янги аъзолар қабул қилишга бағишланди. Бунда ҳудудий кенгаш раислари ва БПТ етакчилари тажриба алмашди, мавзу юзасидан тарқатма материаллар билан қуроллантирилди.

“Куч – адолатда” шиори остида амалга ошираётган ишларимиз, партия лойиҳалари ижросини таъминлаш йўлидаги ташаббусларимиз жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда. “Адолат” номи билан меҳнат жамоалари ва МФЙларга кириб боришимиз натижасида фуқароларда партияимизга бўлган қизиқиш ортиб борапти.

Жорий йилда хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар фикримизнинг тасдиғидир. Вилоятимизда “Биз зўравонликка қаршимиз!” шиори остида март-апрель ойларида ўтказилган акция доирасида жойларда 14 та тадбир ўтказилиб, 900 нафардан ортиқ иштирокчи қамраб олинди. Ҳуқуқшунослар ва маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари оширилди.

Соҳа мутахассислари иштирокида жамиятда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган “Аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглик” ва “Оилавий-ҳуқуқий муносабатларда гендер тенглик” мавзуларида ўтказилган давра суҳбатлари, тарғибот тадбирлари ҳам қўрилган натижа берди. Тадбирларда асосий эътибор гендер тенгликни таъминлашга қаратилди.

Бугун ҳудудий кенгашларга ҳуқуқий йўналишда муҳожаат қилувчилар кўп қўзғатилмоқда. Ҳуқуқий бузилган ва гендер тенглик масаласида муаммога дуч келган фуқаролар билан мунтазам иш олиб боришмоқда. Бунда МФЙлар билан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. “Биз коррупцияга қаршимиз!”

лойиҳаси доирасида ўтказилаётган тадбирларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, коррупциянинг жамият тараққиётига салбий таъсири ҳақида тушунчаларни шакллантириш ҳамда ёшлар ўртасида ҳалоллик ва пок виждон тамойилларини тарғиб қилиш асосий мақсад сифатида белгилаб олинган.

Бу йўналишда кўпроқ ёшлар билан ишлашни режа қилиб олдик. Андижон шаҳри, Жалақудуқ ва Избоскан туманларида ташкил этилган меҳнат ярмаркаси ва расмлар танлови иштирокчиларнинг фаоллигини оширди. Сафимиздаги йигит-қизлар тенгдошлари орасида фаол тарғиботчига айланди. Аҳоли саломатлигини мустақамлаш ва жамиятда тиббий маданиятни юксалтириш асосий вазифаларимиздан биридир.

Вилоятимизда тиббий хизмат сифати ва оммабоплигини ошириш, даволаш-профилактика муассасаларида замонавий шaroитлар яратиш, илгор тиббий ва рақамли технологияларни фаол жорий этишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жамоатчилик назорати тартибида сафимиздаги тиббиёт ходимларидан иборат ишчи гуруҳ жойларда ўрганиш ишларини олиб бормоқда.

“Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик!” лойиҳаси доирасида ўтказилаётган тиббий кўрик тадбирлари фуқароларнинг саломатликларини ўрганиш билан бир вақтда тиббий маданиятини оширишга хизмат қилляпти. Андижон давлат тиббиёт институтидаги БПТ аъзолари доим бу ҳаракатнинг ташаббускори. Йилнинг ўтган даврида Андижон, Асака, Пахтаобод ва Жалақудуқ туманларида ўтказилган тадбирлар 120 нафардан ортиқ беморни соғломлаштиришга хизмат қилиш билан бирга иштирокчиларнинг ўз саломатликларига бўлган эътиборини оширди.

Юқоридагилар фаолиятимиз қониқарли деган хулосага олиб келмайдми. Ҳали олдимизда бажарилиши лозим бўлган қатор вазифалар турибди. Асосийси, партиядошларимиз изланишда ва ҳар доим ҳаракатда.

Мадаминжон МАДАЗИМОВ,
Андижон вилояти кенгаши раиси

Оилавий
“адолатчи”миз!

Республикаимизда тадбиркорлик кенг ривожланмоқда. Янги лойиҳалар, ташаббуслар доим эътиборда. ОАВ орқали бу борада амалга оширилаётган ишларни кўриб, тадбиркор бўлишни орзу қилардим. Кейинги вақтда қўлимда хунарим бўла туриб, ишсиз эканлигимдан қийналардим. Бироқ ишни қандай бошлаш, маблағ топиш борасида аниқ бир қарорга кела олмадим.

“Адолат” СДП Олтинқўл тумани кенгаши томонидан ҳуқуқшунослар ва иқтисодчилар билан учрашув ташкил этилаётганини эшитиб, тадбирга бордим. Қарангки, бу тадбир мен учун ташкил этилгандек бўлди. Ўзимни қийнаётган барча саволларга жавоб топдим. Бизнес лойиҳамни тузишда ҳам, банкдан кредит олишда ҳам партия фаоллари кўмакчи бўлди. Мавжуд имкониятлар ва улардан самарали фойдаланишни ҳам ўргандим.

Томорқамизда бино қуришга жой бор эди. Қисқа вақтда шу ерда кичик қорхона учун бино барпо этдик. Аввалига маҳалламизда фаолият юритаётган мебель ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Уларга ярим тайёр маҳсулотлар етказиб бера бошладик. Бу ишга оила аъзоларимиздан ташқари 4 та кам таъминланган оила фарзандларини ҳам жалб этдик.

Ҳаммаси инсоннинг ўзига боғлиқ экан. Топилган даромад қиссига қўшимча дастхонда сотиб олдик, фаолиятимизни кенгайтирдик. Икки йил деганда, ўзимиз тўла тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтдик. Ҳозирда биз тайёрлаган бир неча турдаги мебель ва стол-стулларга талаб ортиб бормоқда. Шунга мос равишда даромадимиз ҳам ўсди.

Авваллари сиёсий партиялар фаолиятига эътибор бермас эдим. Жамиятда адолат ўрнатилш гоёсини илгари сураётган “адолатчилар”нинг биз каби тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш эътиборига молик. Шу сабаб оила аъзоларимиз билан “Адолат”га аъзо бўлдик. Энди биз ҳам жойларда “Адолат” СДП номидан иш олиб борамиз.

Адҳамжон ШЕРОВ,
оилавий тадбиркор

Аёл муаммодан
йироқ бўлсин

Айни вақтда “Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши аъзоларининг 46 минг 241 нафари хотин-қизлардир. Уларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тадбиркорликка жалб этиш ва сиёсий фаоллигини ошириш доимий эътиборда. Вилоят кенгаши ҳузуридаги “Замондош аёллар клуби” бу борада қатор ташаббуслар билан чиқмоқда. Маҳаллий кенгашларда 14 нафар аёл “адолатчи” депутатимиз бор.

Хотин-қизлар фаоллиги, асосан, унинг ҳуқуқий маданияти, саломатлиги ва бандлиги билан боғлиқ. Шу сабаб, партиянинг “Бир адолатчи – юз аёлга ҳимоячи” лойиҳаси асосида жойларда мунтазам мониторинг олиб борилиб, хотин-қизлар билан боғлиқ қонунбузилишларга йўл қўймаслик, соғломлаштириш ва ишсизликнинг олдини олишга эришилмоқда. Айтиш мумкинки, Андижон ва Хонобод шаҳри, Асака, Избоскан ҳамда Жалақудуқ туманларида фаол сафдошларимиз томонидан хотин-қизлар билан ишлашда ўзига хос мактаб яратилган.

Жумладан, “Соғлом оила – соғлом жамият – порлоқ келажак” лойиҳаси доирасида Андижон шаҳрида доимий соғломлаштириш тадбирлари йўлга қўйилган. Андижон давлат тиббиёт институти шифокорлари кўмагида маҳаллаларда ўтказилган тиббий кўрик тадбирлари касалликларни барвақт аниқлаш ва соғломлаштириш имконини берапти. Жорий йилнинг январь-май ойларида 3 маротаба чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди. 233 нафар хотин-қизнинг саломатлиги ўрганилди. 56 нафар иштирокчида турли касалликлар аниқланиб, даволанишга йўналтирилди.

Соғлом маънавий муҳит хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтирди. Избоскан туманида “адолатчилар” шундан келиб чиқиб, “Маънавият – бизнинг қуролимиз!” шиори остида тарғибот тадбирларини олиб бормоқда. МФЙ фаоллари ва жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Партиядошларимиз хонадонларга кириб бориб, “Оила ва никоҳ”, “Аёлниң ҳуқуқлари”, “Соғлом она ва соғлом келажак” мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этишляпти.

Сайловолди дастуриимизда кўрсатиб ўтилгандек, қонунлар тарғиботи ва жамоатчиликнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фаолиятимизда кенг ўрин эгалламоқда. “Адолат” қабулхонаси ва ҳуқуқшунос “адолатчи” аёллар томонидан жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар ижобий самара бермоқда.

Зотан, аёл ҳамма вақт муаммодан йироқ бўлиши керак. Чунки у жамиятнинг яратувчиси, фарзандларимизни тарбияловчи ва оиланинг асосий бўғинидир.

Малоҳатхон МУСАЕВА,
Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Мустақил давлатда яшаса-да, унинг қонуний фуқароси бўлмаслик кишига оғир ботади. Аниқроғи, орамизда фуқаролиги бўлмаган шахслар бор. Улар маҳалладошлари, атрофидагилар олдида ўзларини камситилгандек ҳис этишлари ҳам бор гап.

“Энди биз Ўзбекистон
фуқаросимиз!”

Депутат аралашгач...

Жалақудуқлик Гулнора Хидирова ҳам 1995 йилдан буён Ўзбекистон ҳудудида яшайди. Бироқ фуқаролиги бўлмаган шахслар қаторида экани уни қийнаб келарди. Қонун устуворлиги ва адолат тарафдори бўлган “Адолат” СДП фаолияти билан танишгач, унда умид уйғонди. Шу масалада партиянинг Жалақудуқ туман кенгашига муҳожаат қилди. Унинг муҳожаати билан шуғулланиш масъулияти халқ депутатлари Жалақудуқ туман кенгаши депутати Барнохон Бозоровга юклатилди.

Жараёнда фуқаро Г.Хидирова 30 йилдан буён Ўзбекистон фуқаролигига мансублигини аниқлаш бўйича тегишли идораларга муҳожаат қилиб келганлиги, бироқ доимий яшаб келаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганлиги сабаб, унинг муҳожаатлари рад қилингани аниқланди. Ўттиз йилдан ошқ вақт мобайнида турли чекловларга дуч келиш, яқин қариндошлари яшаб келаётган кўшни Қирғизистон Республикасига ўта олмаслик оғир.



Суҳбат давомида Г.Хидированин қизи Зиёдахон Хидирова ҳам фуқароликсиз яшаб келаётгани маълум бўлди. Бу муаммо бутун оиланин ташвиши эканлигини кўрсатади. Депутат Б.Бозорованин аралашуви билан фуқаронинг кўп йиллик муаммоси ижобий ечим топди. Фуқароликига мансублигини аниқлаш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Андижон вилоятидаги минтақавий вакили билан биргаликда бу масалада Фуқаролик ишлари бўйича Ҳўжабод туман судига ариза киритилди. Суд томонидан ариза тўлиқ қаноатлантирилди.

Қонулар ижроси устидан жамоатчилик назорати ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш “Адолат” СДПдан сайланган халқ вакиллари фаолиятида кенг ўрин эгаллайди.

Имкониятлар
фаоллигимизни оширмоқда

Изланиш, ташаббус ва интилувчанлик ёшларга хос. Агар сиз ўзингизда мана шу хислатларни шакллантира олсангиз, марра сизники. Юқоридагилар аксарият андижонлик “Ёш адолатчилар” ҳаракати аъзоларида мужассам. Тенгдошларимизнинг партия лойиҳалари ижросини таъминлашдаги фаол иштироки ва эришяётган ютуқлари фикримизнинг ифодасидир. Бунга, албатта, зиммаларимиздаги масъулиятни тўла ҳис қилиш билан эришилмоқда.



Қолаверса, давлатимизнинг келажак авлод камолотига бўлган эътибори ва ишончи бизга куч бағишламоқда. Айни вақтда ўз атрофида 33 минг нафардан ортиқ йигит-қизларни бирлаштирган андижонлик “Ёш адолатчилар” ҳаракати томонидан аниқ мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жойларда кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Мақсадимиз – ҳар бир йигит-қизни ҳаётда ўз йўлини топишга кўмаклашиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.

Ёш сафдошларимиз орасида иқтидорлилар кўпчиликини ташкил этади. Кейинги йилларда изланувчан, янги лойиҳалар устида ишловчи тенгдошларимиз сафни кенгайтирмоқда. Улар билан жойларда ўтказилаётган турли маънавий-маърифий ва спорт тадбирларида фаол иштирок этиб, ўз иқтидорларини кўрсатишляпти.

“Ватан келажаги ёшлар қўлида!” лойиҳаси доирасида имкон қадар аниқ манзилли жойларда билим олаётган, касб-хунар эгаллаётган тенгдошларимиз билан ишлаш баробарида маҳаллалардаги вақтинча ишсиз йигит-қизлар билан ишламоқдамиз. “Тенгдошга тенгдош” шиори остида уларга мавжуд имкониятлар тушунтирилмоқда. Юртимизда тадбиркорлик ривожланиб бораётгани боис, соҳага бўлган эътибор ва истиқболли лойиҳалар устида ишлашга қаратилган ташаббусимиз қўллаб-қувватланмоқда.

Жорий йилда Олтинқўл, Қўрғонтепа ва Улуғнор туманларида шу йўналишда ташкил этилган тадбирлар ижобий самара берди. Ана шу ҳудудларда яшовчи 16 нафар сафдошимиз бугун тадбиркорга айланди. Жалақудуқ туман бандликка кўмаклашиш маркази тажрибаси асосида ишсизликнинг олдини олишга эътиборни оширдик. Аввало, қўлида дипломи билан ишга жойлаша олмаётганларни ўрганиб, қорхоналарга тақлиф билан чиққоқдамиз. Хусусий сектор вакиллари бу ҳаракатимизни қўллаб-қувватламоқда. 30 га яқин йигит-қиз бизнинг кўмагимиз билан ишга жойлашди.

Кези келганда, бугун сафимизда 2 нафар Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси, 2 нафар “Мард ўғлон” кўркрак нишонини эгалари борлигини айтиб ўтиш ўринли. Улар тенгдошларимизга ўрнак бўлиб, партияимиз гоёларини тарғиб қилишда иштирок этишлари натижасида андижонлик ёшларнинг фаоллиги ошмоқда.

Абдуғаффор КАРИМОВ,
вилоят кенгаши “Ёш адолатчилар” ҳаракати фаоли

Саҳифа вилоят кенгаши матбуот хизмати ҳамкорлигида тайёрланди



СИФАТСИЗ МАХСУЛОТ ва НАРХ-НАВОНИ сунъий кўтаришга ҚАРШИМИЗ!

“Адолатчи” депутатлар ҳудудларда ўрганишлар олиб боришмоқда

Аҳоли фаровонлиги, саломатлиги ва харид қобилиятини сақлаш бевосита бозорлардаги маҳсулотлар сифати ҳамда нарх-навонинг барқарорлигига боғлиқ. Озиқ-овқат товарларининг хавфсиз ва санитария талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилиши инсон организмни турли касалликлардан асраша, меъёрий нархлар оилалар бюджетининг дахлсизлигини таъминлайди. Шу боис, сифат назорати ва мақбул нарх шаклланиши ҳар қандай жамиятда муҳим ижтимоий-иқтисодий омил ҳисобланади.



**Сарвар ЭРГАШЕВ,
“Адолат” СДП
Марказий аппарати
бошқарма бошлиғи**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Адолат” СДП Сайловолди дастурида сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда нархларни сунъий кўтаришга қаратилган хатти-ҳаракатлар устидан назорат қилувчи идоралар масъулиятини ошириш ва жамоатчилик назоратини қучайтириш устувор вазифа этиб белгиланган. Ушбу дастурий мақсадлар ижросини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари томонидан жойларда тизимли ўрганишлар ўтказилмоқда.

Ўрганишларда масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда савдо ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти таҳлил қилиниб, аниқланган камчиликларни барҳаф этиш юзасидан тегишли чоралар кўришмоқда. Жумладан, депутатлар томонидан ўрганиш натижалари асосида Амударё, Нукус, Гурлан, Қўшқўпир, Тупроққалъа, Ҳазорасп, Хива, Хонқа, Шовот, Янгибозор, Когон, Ромитан, Қорувлбозор, Пешку, Андижон, Асака, Избоскан, Норин, Боёвут туманлари ҳамда Урганч ва Когон шаҳарлари халқ депутатлари Кенгашларининг доимий комиссиялари муҳокамасига 21 та масала киритилди.

Шунингдек, Гурлан, Тупроққалъа, Шовот, Вобкент, Қорувлбозор, Андижон туманлари ва Когон шаҳри кенгашлари сессиялари кун тартибига 7 та масала олиб чиқилди. Партиянинг бошқа туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан ҳам мазкур йўналишда маҳаллий ижро органи раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Умуман, ички бозорда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва истеъмол маданиятини юксалтириш учун маҳсулотни нафақат сифатли ишлаб чиқариш, балки уни хавфсиз етказиб бериш ва сақлаш ҳам муҳим. Маҳсулотларни белгиланган ҳарорат ва намлик шароитларида сақлаш уларнинг озуқавий қийматини сақлайди. Айниқса, тез бузилувчи озиқ-овқат товарлари нотўғри сақланганда инсон саломатлигига жиддий хавф туғдирувчи бактериялар кўпайишига йўл қўймаслик соҳа вакилларининг бош вазифаси бўлиши шарт.

Гўшт, сут, балик, мева ва сабзавот маҳсулотларини ташишда совуткичли контейнерлар ва махсус транспортлардан фойдаланиш етказиб беришдаги иқтисодий йўқотишлар ва юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олади. Корхоналарда иш жойларининг озодлиги, ускуналарнинг дезинфекция қилиниши эса маҳаллий маҳсулотларимизнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ҳамда корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширади.

Тажрибадан маълумки, байрам арафаларида аҳоли томонидан кундалик эҳтиёж товарларига бўлган талабнинг кескин ортишидан фойдаланиб, нархларни асоссиз ошириш ёки маҳсулотларни атайлаб тақчиллаштириш ҳолатлари кузатилади. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мутасадди ташкилотлар томонидан бозорлар ва йирик савдо мажмуаларида доимий мониторинг тизимини йўлга қўйиш зарур. Тадбиркорлик субъектлари нарх шакллантиришда иқтисодий асосланган ёндашувга ва ҳалол рақобат тамойилларига амал қилишлари лозим.

Ўз навбатида, фуқаролар ҳам истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқларини библишлари ва қонунбузилиш ҳолатларига дуч келганда ваколатли органларга мурожаат қилиш орқали ижтимоий барқарорлиқни таъминлашга ҳисса қўшишлари мақсадга мувофиқдир.

Унутмайликки, сифатсиз маҳсулот айланишига қарши курашиш ва нарх-навонинг барқарорлигини таъминлашга нафақат давлат идоралари, балки жамоатчилик ва вакиллик органлари биргаликда ҳаракат қилса, мавжуд ҳолатни барқарор сақлаш имконияти ошади. Партиянинг депутатлари ҳам айнан тизимли депутатлик назорати орқали соҳадаги қонунчилик ижросини таъминлаш ва бозорларда шаффофликни қарор топтириш ниятида. Зеро, бозорда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш – барқарор иқтисодий тарққиёт ва аҳоли фаровонлигининг муҳим гаровидир.



ҚОНУННИНГ КАДРИ ТУШМАСИН

Ўзбекистонда қонунлар, стратегиялар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиши жараёнида турли коллизиялар, ҳуқуқий бўшлиқлар ва эҳтимолий ихтилофларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиз қонунчилиги юридик техника ва ҳуқуқий расмийлаштириш жиҳатидан такомиллашган тизимга эга. Қонунлар, аввало, жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб яратилади. Яъни муайян ижтимоий муносабатлар барқарор тус олгач, улар ҳуқуқий тартибга солиниши зарурати туғилади ва бу жараён қонунларда ўз аксини топади.

**Саидакмал МАМАСОЛИЕВ,
Тошкент давлат юридик университети
талабаси, “Юксалиш” ҳаракати аъзоси**

Бироқ бу ерда яна бир муҳим савол туғилади: қонунларни қабул қилишнинг ўзи қифоями? Энг муҳими, улар амалда қай даражада ишляпти?

Бугунги кунда Ўзбекистон қонунчилиги миллий базасида минглаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Жумладан, 1550 дан ортиқ қонунлар, 10 117 та Олий Мажлис ҳужжатлари, 5501 та Президент ҳужжатлари, 11 380 та Ҳукумат ҳужжатлари ҳамда 9038 та вазирликлар, давлат идоралари ва кўмиталарининг ҳужжатлари амал қилади. Эътибор берсак, рақамлар мингликлардан ошади. Бу эса мамлакатимизда ҳуқуқий тартибга солишнинг қамрови жуда кенг эканини кўрсатади. Аммо муаммо қонунларни қабул қилишда эмас, балки уларнинг ҳаётга татбиқ этилишида намоён бўлади.

Аслида ҳам қонуннинг қабул қилиниши унинг муваффақиятли ишлаши автоматик тарзда таъминламайди. Ҳуқуқ назариясида қонуннинг самардорлиги унинг қабул қилиниши билан эмас, балки ижтимоий муносабатларга қай даражада таъсир кўрсата олиши билан баҳоланади.

Аввало, айрим ҳолларда қонун

ларни амалга ошириш механизмлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган бўлади. Қонун қабул қилинади, аммо унинг ижросини таъминловчи қонунности ҳужжатлар ёки аниқ тартиб-таомиллар ўз вақтида шакллантирилмайди. Натижада ҳуқуқий норма мавжуд бўлса-да, уни амалиётга татбиқ этиш қийинлашади.

Иккинчидан, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини етарли даражада билмаган шароитда ҳатто энг мукамал қонун ҳам қутилган натижани бермаслиги мумкин.

Учинчидан, қонун ижроси устидан назоратнинг етарли эмаслиги ҳам самардорликка салбий таъсир кўрсатади. Агар давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонун талабларига тўлиқ риоя этилмаса, ҳуқуқий нормаларнинг таъсири пасаяди.

Шунингдек, баъзи ҳолатларда қонунлар жамиятда ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга ҳаракат қилади. Бу эса ҳуқуқий нормалар билан реал ҳаёт ўртасида муайян тафовут пайдо бўлишига олиб келади. Демак, қонуннинг самардорлиги унинг сони ёки матнининг мукамаллиги билан эмас, балки ижро механизми, ҳуқуқий маданият, назорат тизими ва жамият эҳтиёжлари билан уйғунлиги орқали белгиланади.

Қонуничилигимиз пухта бўлгани билан ижро интизоми ва ҳуқуқий маданият етарли даражада эмас. Илгари бошланғич синфларда “Конституция алифбоси” дarsi ўтилар эди. Бугунга келиб бу фан ўқув дастуридан чиқариб ташланган. Натижада ўқувчи фуқаро кимлиги, қонуннинг моҳияти ва жамиятдаги аҳамияти ҳақида тизимли билимини фақат 8-синфдан бошлаб олади. Бу эса ачинарли ҳолатдир. 9-синфни тугатган кўплаб ёшлар коллеж ёки касб-хунар йўналишларида таҳсил олиб, меҳнат фаолиятини бошлайди. Бироқ уларнинг аксарияти ҳуқуқ ва мажбуриятларини

Илгари бошланғич синфларда “Конституция алифбоси” дarsi ўтилар эди. Бугунга келиб бу фан ўқув дастуридан чиқариб ташланган. Натижада ўқувчи фуқаро кимлиги, қонуннинг моҳияти ва жамиятдаги аҳамияти ҳақида тизимли билимини фақат 8-синфдан бошлаб олади. Бу эса ачинарли ҳолатдир. 9-синфни тугатган кўплаб ёшлар коллеж ёки касб-хунар йўналишларида таҳсил олиб, меҳнат фаолиятини бошлайди. Бироқ уларнинг аксарияти ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур англаб улгурмайди.

чуқур англаб улгурмайди. Оқибатда инсон қонунни фақат ҳуқуқий бузилганда ёки ўзи қонунбузарликка йўл қўйганда эслайди.

Ўзбекистонда ҳуқуқий база етарлича шаклланган бўлса-да, ижро интизоми, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, ҳуқуқий давлатни фақат яхши қонунлар эмас, балки қонунга ҳурмат билан қарайдиган, ўз ҳуқуқ ва бурчларини англайдиган фуқаролар барпо этади.

Шу боис, янги қонунлар қабул қилишдан кўра, мавжуд қонунларнинг самарали ишлаши ва жамиятда қонунга иттифоқдорлик маданиятини мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Чунки тараққиётнинг ҳақиқий мезони қонунларнинг сони эмас, балки уларнинг ҳаётдаги амалий таъсири ва устуворлигидир. Зеро, қонун устувор бўлган жамиятдагина адолат, барқарорлик ва тараққиёт таъминланади.

ЎҚУВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ



Ёш авлоднинг ҳаёти ва саломатлигини асраш, улар учун хавфсиз таълим муҳитини яратиш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан биридир. Айниқса, умумтаълим муассасалари атрофида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, болаларнинг мактабга келиб-кейтишида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш доимий эътиборни талаб этади.

Чилонзор туманидаги “Ал-Жабр” хусусий мактаби ўқув ишлари бўйича масъул ходими Г.Нормўминова томонидан мактаб ўқувчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қилган муносабатлари депутат томонидан атрофича ўрганилди ва қисқа муддат ичида амалий ечим топди.

Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши депутати Алишер Хусановнинг бевосита ташаббуси, масъул ташкилотлар билан олиб борган тизимли ишлари ва қатъий саъй-ҳаракатлари натижасида мазкур таълим муассасаси олдида замонавий талабларга жавоб берадиган пиёдалар ўтиш йўлаги(зебра) чизилди ҳамда ҳайдовчилар ва

пиёдалар учун зарур бўлган йўл ҳаракати белгиларини ўрнатиш ишлари амалга оширилди. Мазкур ташаббус, аввало, мактаб ўқувчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ота-оналар ва педагоглар учун янада хотиржам муҳит яратишга хизмат қилади. Эндиликда ўқувчилар мактабга қатнаш жараёнида йўлни белгиланган тартибда ва хавфсиз тарзда кесиб ўтиш имкониятига эга бўлдилар.

Депутат томонидан сайловчилар мурожаатларига тезкор муносабат билдирилаётгани, фуқароларни ўйлантираётган долзарб масалалар юзасидан амалий чоралар

қўрилаётгани халқ билан очик ва самарали мулоқотнинг ёрқин намунасидир. Айниқса, болалар хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларнинг устувор йўналиш сифатида эътиборга олинаётгани депутатлик фаолиятининг ижтимоий масъулиятини яна бир бор намоён этмоқда.

Келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг хавфсизлиги йўлида амалга оширилаётган ҳар бир эзгу иш жамиятимиз раънақи, ота-оналар ишончи ва ёш авлоднинг порлоқ келажаги учун хизмат қилади. Бу каби амалий ташаббуслар аҳолининг мурожаатларига бефарқ бўлмаслик, ҳудудларда мавжуд муаммоларни ўз вақтида барҳаф этиш ҳамда инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.

Ёшлар хавфсизлиги – жамият келажаги гаровидир. Ана шундай эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ҳар бир хайрли иш, эртанги кунимизнинг янада порлоқ бўлишига муносиб ҳисса қўшади.



Муҳиддин ОМАД, журналист

Шиддатли замон илмий кашфиётлари, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, интернет ва ахборот оқими ҳаётимизни таниб бўлмас даражада ўзгартирди. Бир вақтлар ҳафталаб кутилган хабарлар бир неча сонияда манзилига етиб боради. Дунё қафсимизда намоён бўлиб, масофа тушунчаси ҳам ўз аҳамиятини йўқота бошлади.

Бунинг ижобий жиҳатлари кўп. Илм-фан ривожланди. Тиббиёт тараққий этди. Одамлар билимга тезроқ эга бўлмоқда. Янги касблар пайдо бўлди. Инсоннинг имкониятлари кенгайди. Аммо ҳар бир қулайлик ортида масъулият ҳам бор. Афсуски, баъзан имкониятларнинг қўлайлигини маънавий юксалиш билан адаштириб қўймоқдамиз. Чунки энг муҳим эврилиш компьютерларда эмас, инсон қалбиде кечади.

Қалб ўзгарса, бутун жамият ўзгаради.

Табиат бизга кўргазма. Унда ҳеч бир нарса беҳуда яратилмаган. Ҳар бир дарахт, ҳар бир қуш, ҳар бир гиёҳ ўз вазифасига эга. Мувозанат бузилса, боғлиқлик тизими издан чиқади.

Афсуски, бугунги инсон табиат ишига кўпроқ аралашмоқда. Янги навлар яратилмоқда, генетик тадқиқотлар кенгаймоқда, ҳосилдорлик оширилмоқда. Бунинг яхши томонлари бор, албатта. Ер юзиде аҳоли сони ортар экан, озиқ-овқат етиштириш ҳам муҳим вазифага айланиб бораверади.

Лекин табиатнинг ўз тартиби, ўз қонуни бор. Инсон унга қарши эмас, у билан ҳамоҳанг, муроса қилиб яшаши лозим. Чунки табиат унинг мувозанатини бузган инсондан ўч олмас-де, ўз қонунларидан чекинмайди. Оқибатда қурғоқчилик, сув танқислиги, иқлим ўзгариши ёки бошқа офатлар кўринишида намоён бўлади ва бўлмоқда ҳам.

Шунинг учун инсон табиатнинг эгаси эмас, унинг бир бўлаги эканини ёддан чиқармаслиги керак.

Бугун энг катта ўзгаришлардан бири истеъмол маданиятида кузатилмоқда. Илгари одамлар дастурхоннинг тўқинлигидан кўра, ризқнинг бориға шукр қиларди. Айни замонда махсулотнинг ташқи кўриниши унинг мазмунидан устун келмоқда. Чиройли ўрам, ёрқин реклама, сунъий тазм ва хид инсонни ўзига махлиб этмоқда. Аммо кўзни қувонтирган ҳар қандай неъмат на руҳга, на танага фойда келтиради.

Бунинг аллергиялар, сурункали касалликлар, иммунитет билан боғлиқ муаммолар қўлайиб борапти. Бунинг сабаблари кўп. Лекин уларнинг бари табиийликдан узоқлашавганимиз оқибати эмасми?

Асп табиат яратган меванинг мазаси бошқача. Қуёшда пишган узум би-

лан сунъий шароитда етиштирилгани ўртасида фарқ бор. Бу фарқни фақат тил эмас, инсон организми ҳам сезади. Инсон нима истеъмол қилса, аста-секин табиатан ва фикран ўшанга уйқашиб бораверади. Бу нафақат озиқ-овқатга, балки ахборотга ҳам тегишли. Чунки ахборот ҳам руҳнинг озиғи ҳисобланади. Ҳар кун и юзлаб хабарларни ўқиймиз. Минглаб тасвирларни кўраимиз. Қисқа видеолар, тезкор хабарлар, турли фикрлар онгимизни қамраб олади. Бир қарашда биз ҳамма нарсадан хабардоримиз...

АММО ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ ШУНДАЙМИ? АХБОРОТ КўПАЙГАН САРИ ТАФАККУРИМИЗ ЧўҚУРЛАШАПТИМИ? ЁКИ ФИКРЛАШ УЧУН ВАҚТ ҚИСҚАРЯПТИМИ? БУ САВОЛЛАР ҲАР БИРИМИЗНИ ЖИДДИЙ УЙЛАНТИРИШИ ЛОЗИМ.

Билим билан ҳикмат ўртасида катта фарқ бор. Билим китобдан олинса, ҳикмат ҳаётдан, мушоҳададан туғилади. Афсуски, бугун инсон кўп ўқийди, аммо кам мулоҳаза қилади. Кўп эшитилади, лекин кам англайди. Кўп гапирлади, аммо кам тинглайди.

Тарихга назар ташласак, дунёга донги кетган буюк инсонлар саройлари ёки бойликларни билан эмас, эзгу амаллари, илмлари ва поклиги билан ёдга олинади. Вақт ўтади, бинолар емирилади, бойликлар тўпроққа қоришади. Аммо яхши ном ва эзгу амаллар асрлар оша тилдан тилга, қалбдан қалбга ўтиб яшайверади.

БУГУН БИЗ БОШҚАЧА МАНЗАРАГА ГУВОҲ БўЛМОҚДАМИЗ. ҲАШАМАТ АСТА-СЕКИН ҲАЁТ МЕЗОНИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. КИМНИНГ УЙИ КАТТАРОҚ, КИМНИНГ АВТОМОБИЛИ ҚИММАТРОҚ, КИМНИНГ ТҮЙИ СЕРҲАШАМРОҚ БўЛСА, ГҲЁ УНИНГ ҚАДРИ ШУ БИЛАН УЛЧАНАДИГАНДАЙ.

Аслида ҲАШАМАТ ИНСОННИ БАХТИЛИ ҚИЛОЛМАЙДИ. У ФАҚАТ КўЗНИ ҚАШАШТИРАДИ. БАХТИНИ КўЗ БИЛАН КўРИБ БўЛМАЙДИ, қалбда хис этилади. Бойлик инсонни исрофга мубтало қилади. Унинг хонадонидан ҳаммадан кўп чиқинди чиқади. Бугунги дунё чиқиндилар билан тўлиб-тошган. Хатто тоғ чўққисидан уммон тубигача чиқинди етиб бормоқда.

ҚАНОАТЛИ ИНСОН КАМ НАРСА БИЛАН ҲАМ ШУҚР ҚИЛА ОЛАДИ. НАФСНИНГ ҚУЛИГА АЙЛАНГАН ИНСОН ЭСА БУТУН ДУНЁНИ ҚўЛГА КИРИТСА ҲАМ, НИМАДИР ЕТИШМАЁТГАНДЕК БўЛАВЕРАДИ. ЧУНКИ НАФСНИНГ ЧЕГАРАСИ ЙўҚ. УНГА ҚАНЧА БЕРСАНГИЗ, ЯНА ШУНЧАГА ЭҲТИЁЖИ ПАЙДО БўЛАДИ.

Донишмандлар беҳизга: «Нафсингни енгсанг, дунёни енгсан», деганлар. Бу ҳикматнинг моҳияти шундаки, инсоннинг ҳақиқий ғалабаси бошқалар устидан эмас, ўз нафси устидан қозонилган ғалабадир.

Бугун ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришлар ҳам бизни уйлантирмай қўймайди. Ҳаммасидан одамлар бир-бирдан узоқлашаётгани қизиқ. Бир пайтлар қўшничилик муқаддас қадрият ҳисобланган. Қўшнингнинг дарди — сенинг дардинг, қувончи — сенинг қувончинг эди. Қўшнилар, ёру дўстлар самимий, ғарзсиз бўлгани учун эшик қоқмасдан кириб келар, биродари билан дастурхон атрофида дилдан суҳбатлашарди. Бугун эса бир девор ортда йиллаб яшаб, бир-бирининг исмини билмайдиганлар ҳам бор.

Технологиялар одамлар оғирини енгиллаштирди, лекин қалбларни узоқлаштириб қўйди. Ижтимоий тармоқларда юзлаб «дўстлар» орттирдик, аммо дардимизни эшитадиган биргина самимий инсонни топиш қийинлашиб бормоқда.

Инсоннинг энг катта эҳтиёжи интернет эмас, меҳр ҳисобланади. У эътиборга, самимиятга, ишончга муҳтож. Чунки меҳрсиз қалб сувсизликка учраган боғга ўхшайди. Уша боғда гўзаллик ноёб ҳодиса бўлиб қолади.

Эврилиш тилга ҳам таъсир қилмоқда. Тил — ҳар бир миллатнинг нафақат мулоқот воситаси, балки хотираси, тарихи ва руҳидир. Она тилида миллатнинг бутун кечмиши, орзу-умидлари ва ҳаёт фалсафаси яшайди.

Замон талабидан келиб чиқиб, турли чет тилларни ўрганиш зарурати туғилмоқда. Илм-фан, технология ва халқаро ҳамкорлик шуни тақозо этмоқда. Аммо чет тилларини билиш она тилини унуттиш эвазига бўлмаслиги керак.

Дарахтнинг шоҳлари осмонга қанча баланд кўтарилмасин, унинг илдизи ёрда бўлади. Илдиз қуриса, дарахт ўшай олмайд. Инсон ҳам худди шундай. У дунёни кезиши, кўп тилларни билиши мумкин. Лекин ўз миллий қадриятлари ва маънавий илдизларини йўқотса, унинг ички мувозанати ҳам бузилади. Оғиздан чиқадиган сўзлар талаффузи бузуқ, ёзиладиган сўзлар хатоларга тўла. Ёш авлод хатоларни борица қабул қила бошлади.

Бугунги энг катта муаммолардан бири — вақт танқислиги эмас, эътибор етишмаслигидир. Биз ҳамма нарсасида улғуришга ҳаракат қиламиз. Тез юраимиз, тез овқатланамиз, тез гаплашамиз, тез қарор қабул қиламиз. Аммо тезлик ҳар доим ҳам тўғривуқ эмас.

Инсон ҳаётини ўзгартириш ҳақиқат тафаккурда ва шошилмасдан қилинган мушоҳадада туғилади.

Дарё шошилмайди, аммо денгизга етиб боради. Қуёш шошилмайди, аммо бутун оламни ёритади.

Шундай қилиб, табиат бизга ҳар кун и сабрни ўргатади. Афсуски, эъти-

борсизлигимиз ёки шошқалоқлигимиз сабабли бу сабоқларни ҳар доим ҳам англаб етавермаймиз.

Ҳаётдаги энг оғир йўқотиш бойликин эмас, ўзликни йўқотишдир. Чунки инсон мол-мулкни қайта топиши мумкин, обрўни ҳам меҳнат билан тиклаши мумкин. Аммо қалбдаги эзгулик, виждон ва инсонийлик сўна бошласа, уни қайта тиклаш, шакллантириш жуда машаққатли кечади. Панд-насиҳат иш бермайди. Фақат оғир фожиалар, йўқотишлар, мусибатларгина хатони англашга қўмак бера олади, холос.

Бугун инсоният ана шундай нозик чорраҳада турибди. Бир тарафда мислсиз имкониятлар, иккинчи тарафда эса маънавий синовлар. Бир тарафда ақлни ҳайратга солувчи технологиялар, иккинчи тарафда қалбни безовта қилувчи бўшлиқ.

Бугун инсон коинот сирларини ўрганмоқда. Ўз ақли билан ўзидан устун бўлган сунъий интеллектни яратмоқда. Денгиз тубини ҳам, осмон чексизлигини ҳам тадқиқ этмоқда. Лекин ўз қалбининг тубига назар ташлашга вақт топпаяпти.

Ҳолбуки, инсоннинг энг катта кашфиёти ўзини англаши эди. Чунки, ўзини англаган одам бошқаларни ҳам тушуна бошлайди. Ўз нафсини тарбиялаган инсон жамиятни ҳам гўзаллаштира олади.

Ҳар қандай буюк ўзгариш бир инсоннинг ҳаракатидан бошланади.

Кўпинча биз дунёни ўзгартириш ҳақида гапирамиз. Лекин ДУНЁ ДЕГАНИ — МЕН, СИЗ ВА ҲАР БИР ИНСОН.

Дунёнинг тақдири миллионлаб қалбларнинг ҳолатига боғлиқ. АГАР ҚАЛБЛАРДА МЕҲР КўПАЙСА, ЖАМИЯТДА АДОЛАТ МУСТАҲКАМЛАНАДИ. АГАР ҚАЛБЛАРДА ҲАСАД, КИБР ВА НАФРАТ УСТУН КЕЛСА, ЭНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТ ҲАМ МАЪНАВИЙ ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТАДИ. Шунинг учун ҳам БУЮК МУТАФАККИРЛАР ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШНИ ЖАМИЯТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ БИРИНЧИ ШАРТИ, ДЕБ БИЛГАНЛАР.

Баъзан биз тараққиётни баланд биноларда, текис йўлларда, замонавий автомобилларда ёки қимматбаҳо буюмларда деб биламиз. Аслида эса тараққиёт мактабда китоб ўқиётган боланинг кўзиде, меҳнат қилиб, ҳалол ризқ топаётган деҳқоннинг пешона териде, беморга шифо улашаётган шифокорнинг меҳрида, юрт тинчлиги учун хизмат қилаётган инсоннинг садоқатида, фарзандига одоб ўргатаётган ота-онанинг тарбиясидадир.

Мана шу қадриятлар бор жойда миллатнинг келажаги ҳам барқарор бўлади. Инсон табиатдан қанча узоқлашса, ўзига шунча бегоналашади. Чунки табиат ҳаётни, дарахт сабрни, дарё ҳаракатини, тоғ матонатни, қушлар эркинлигини, қуёш миннатсиз яшишлик қилишни ўргатади.

Табиатнинг ҳар бир ҳодисаси инсон учун сабоқдир. Уни ўқий олган одам ҳаётнинг ҳақиқий маъносини англай бошлайди.

ИНСОН ВА ОЛАМ ЭВРИЛИШЛАРИ

Ҳаётни танла! ижтимоий тарғибот акцияси



Қорақалпоқликлар акцияда фаол

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва қучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлиқни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонунидан келиб чиқадиган вазифалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш Қорақалпоғистонда кенг қамровда давом этмоқда. “Адолат” СДП ташаббуси билан “Ҳаётни танла!” акциясига старт берилгани ҳам айтиш мумкин бўлмоқда.

Маҳалла ва жамоат бирлашмаларида ўтказилаётган учрашувларда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг инсон саломатлиги, оила тинчлиги ва жамият барқарорлигига етказадиган зарари ҳақида батафсил маълумотлар бериляпти. Таъкидланганидек, гиёҳвандлик бир инсон тақдирини билан чекланиб қолмайдиган, балки бутун жамият келажагига хавф соладиган ёвуз иллат. Шу боис, унинг олдини олишда маҳалла, оила, таълим муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамжиҳати мумкин аҳамият касб этади.



“Ҳаётни танла!” акцияси доирасида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спорт ва ижодга жалб қилиш, турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Абдурахмон КОЙЛИБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

Аҳоли манфаатлари йўлидаги муҳим қадам

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати Наргиза Кенжаева Пахтачи туманида сайловчилар билан навбатдаги учрашувни ўтказди.

Учрашув давомида депутат партиянинг “Ҳаётни танла!” акцияси доирасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, зарари одатлардан воз кечиш ҳамда жамиятда соғлом муҳитни шакллантиришга қаратилган маъруза билан иштирок этди. Тадбир иштирокчиларига акциянинг мазмун-моҳияти, унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳамда ҳар бир фуқароннинг соғлом ҳаёт тарзини танлашдаги масъулияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Шунингдек, учрашув якунида депутат ўтган давр мобайнида ўз сайловчилари манфаатларини қўзғаб амалга оширилган ишлар, қўриб чиқилган муносабатлар, уларнинг ечими юзасидан олиб борилган амалий чоралар ҳамда эришилган натижалар ҳақида батафсил ахборот берди. Сайловчилар билан очиқ мулоқот ўтказилиб, ҳудудни янада обод қилиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва аҳолини қийнаётган муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш бўйича келгусидаги устувор вазифалар ва режалар муҳокама қилинди.



Учрашув давомида фуқаро Ж.Маматова томонидан билдирилган муносабат муаммолари ижобий ҳал этиш мақсадида қўриб чиқиш ва амалий чоралар қўриш учун тегишли ташкилотга йўналтирилди.

Мазкур учрашув ўзаро очиқ мулоқот, фуқароларнинг фикр ва тавсияларини тинглаш ҳамда уларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этишга қаратилган муҳим мулоқот майдони бўлди.

Гулнафиса АБДИМУРОВА,
Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

Миллат генофонди ва истиқболни ҳимоя қилиш — бош мақсад

Аср вабоси — гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши муросасиз муҳитни шакллантириш масъул идора ва ташкилотлар қаторида сиёсий партиялар ҳамда фуқаролар жамияти институтлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

“Адолат” СДП ташаббуси билан “Ҳаётни танла!” акцияси ўтказилаётгани ҳам шу тўғрисида. Акция доирасида партиянинг Қўқдала тумани кенгаши, туман Ички ишлар бўлими ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ҳамкорлигида “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар — жамият ривожини учун катта ғов” мавзусида ҳуқуқий тарғибот тадбирини ташкил этди. Унда партия фаоллари, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари, маҳаллардаги ёшлар етакчилари ҳамда фаол талаба-ёшлар жам бўлишди.

Комил САХАТОВ,
Қашқадарё вилояти кенгаши матбуот котиби

